

СЎФИЙ АЛЛОХЁРНИНГ “МУРОД УЛ-ОРИФИН” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАСИНИНГ КОДИКОЛОГИК ТАВСИФИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19707887>

Нематов Далершоҳ Садулло ўғли

*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университетининг магистранти. тел: +998936882196 ndalershoh@gmail.com
Тошкент Ўзбекистон.*

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №1902 инвентар рақами остидаги қўлёзма нусханинг кодикологик хусусиятлари таҳлил қилинади. Қўлёманинг ҳажми, қоғози, муқоваси, саҳифаларининг тузилиши, хат тури ва котиби ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, қўлёзма таркибига киритилган асарлар, жумладан, Сўфий Аллоҳёрнинг “Маслак ул-муттақин”, “Мурод ул-орифин” ва “Сабот ул-ожизин” асарлари ҳамда қўлёманда келтирилган рубоий ва ғазаллар ҳақида маълумотлар келтирилади. Мақолада қўлёманинг таркибий тузилиши, матнларнинг жойлашув тартиби ва сақланиш ҳолатига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу қўлёзма Сўфий Аллоҳёр асарларининг қўлёзма анъанасини ўрганишда муҳим манбалардан бири сифатида баҳоланади.

Калит сўзлар

Қўлёзма, кодикология, тасаввуф адабиёти, Сўфий Аллоҳёр, “Мурод ул-орифин”, настаълик хати, колофон, котиб, шарқ қўлёмалари, матншунослик, Қўқон қоғози.

Кириш

Марказий Осиё тасаввуфий адабиёти тарихида Сўфий Аллоҳёр ижоди алоҳида ўрин тутди. Унинг асарлари диний-ахлоқий ғояларни кенг оммага тушунарли етказиб беришда алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, “Маслак ул-муттақин”, “Мурод ул-орифин” ва “Сабот ул-ожизин” каби асарлари фикҳий-тасаввуфий масалаларини ёритишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Қўлёзма манбалар тасаввуфий адабиётнинг тарқалиши, матнларнинг шаклланиш жараёни ва китобат анъаналарини ўрганишда муҳим аҳамиятга

эга. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда сақланаётган қўлёзма нусхаларни тадқиқ этиш илмий жиҳатдан муҳимдир. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалар тасаввуфий адабиёт тарихини ўрганишда қимматли манбалар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган №1902 инвентар рақами остидаги ушбу қўлёзма ҳижрий 1233 (милодий 1817) йили Ёрмуҳаммад бинни Холмуҳаммад Қўқандий томонидан Қўқон қоғозига настаблиқ хатида кўчирилган. Ҳар бир варақда 25 қатор қора сиёҳ билан ёзилган матн ўрин олган. Қўлёзма 312 варақдан иборат, ўлчами: 14×24 см. Унинг муқоваси қаттиқ картондан тайёрланган бўлиб, иккала томонида нақшлар мавжуд. Муқованинг олд ва орқа қисми паст яшил рангда, шероза қисми эса қизил чармдан тайёрланган ва унда форс тилидаги қуйидаги байтлар майда хат билан битилган:

فرصت اگر دمیت غنیمت شمار صفحه عجیب،
همدم بگو که همدم تو با تو همدم است.⁵¹

Таржимаси:

Имконият агарчи бир лаҳзадир, ганимат бил;

Ҳамдам изла, чунки ҳамдамнинг сен билан ҳамдамдир.

پای استدلالیان جوبین بود،
پای جوبین سخت بی تمکین بود.⁵²

Таржимаси:

Далил аҳлининг пояси қамишлидир,

Қамиш поя эса барқарор ва мустаҳкам эмасдир.

Қўлёзманинг биринчи варақи устида “Маснавийи маънавий” деб ёзилган ва шу асардан бир нечта байт кўчирилган. Масалан, қуйидаги байтни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин:

ملت عاشق ز ملت ها جداست،
عاشقان را مذهب و ملت خداست.⁵³

Таржимаси:

Ошиқлар миллати бошқа миллатлардан алоҳидадир,

Ошиқларнинг мазҳаби ҳам, миллати ҳам Худодир.

3-б варақдан “Басмала” билан бошлаб “Маслак ул-муттақин” асари кўчирилган. Асар матни жадвалга олинмаган, аммо мисралар орасида бир

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида №1902 инвентар рақам билан сақланган қўлёзма олди муқовасининг ички томонида.

⁵² Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида №1902 инвентар рақам билан сақланган қўлёзма орқа муқовасининг ички томонида.

⁵³ Ўша асар, 133-б варақ.

хил масофа сақланган ва ҳар бир саҳифада 4 сутунда кўчирилган. Асар куйидаги байтлар билан бошланади:

حمد بی حد صناعت بی اعداد،
به خدای که نور ایمان داد.
غفور است و رحیم و رحمان است،
پاک از عیب و نقص و عصیان است.⁵⁴

Таржимаси:

Ҳадсиз ҳамд ва ҳисобсиз санолар

Имон нури ато этган Аллоҳга бўлсин.

У – мағфират қилувчи, меҳрибон ва раҳмондир,

Айб, нуқсон ва исёндан пок Зотдир.

Мазкур маснавий кўлөзма 129-б варақгача давом этади ва у мана шу байт билан якун топган:

قطره یا قطراتین رفت فرو،
نیست از این تبه روزه او.⁵⁵

Мазмуни: (Агар бир ёки икки томчи (сув) томоққа кирса, рўзадорнинг рўзаси бузилмайди.)

129 ва 133-варақлар орасида 4 варақ кесиб олинган, 133-бетдаги пойгирда ёзилган “лекин” сўзи асарнинг давом этганлигини кўрсатади.

133-а варақда 6 та форсча байт майда хатда кўчирилган ва улардан бири куйидагича:

مثنوی معنوی مولوی،
هست قرآن در زبان پهلوی.⁵⁶

Таржимаси:

Мавлавийнинг “Маснавийи маънавий”си

Паҳлавий (форс) тилидаги Қуръондир.

133-б варақда Шайх Маҳмуд Шабустарий “Гулшани роз” номли асаридан мисралар келтирилган, улар 11 варақда жой олган.

144-б варақда Жалолиддин Румийдан бир нечта байт келтирилган ва улардан бири куйидаги мисралардир:

نار خندان باغ را خندان کند،
صحبت مردانت از مردان کند.⁵⁷

Таржимаси:

Очилган анор бутун боғни шод этади,

Комиллар суҳбати инсонни комиллар қаторига қўшар.

⁵⁴ Ўша асар, 144-б варақ.

⁵⁵ Ўша асра, 129-б варақ.

⁵⁶ Ўша асар, 133-а варақ.

⁵⁷ Ўша асар, 144-б варақ.

145-а варақда “Мурод ул-орифин” асари мундарижаси жой олган. 145-б варақдан бошлаб асар матни кўчирилган. Асарнинг муножот, наът ва чаҳор ёр сифатларига бағишланган қисмлари 4 устунда жадвал тарзида ёзилганини кўриш мумкин. Ҳошия рамкага олинмаган, аммо тепа, паст ва олди томонлардан 3 см ҳажмида чизиксиз бир текисликда жой қолдирилган. Ҳошияда асар матнидан тушиб қолган ёки чизиб кетган сўзларни ислох тариқасида ёзилган.

“Мурод ул-орифин” асари 145-б варақдан бошлаб 259-б варақга қадар жойлашган. 259-б варақда колофон мавжуд ва унда қуйидаги матнни кўриш мумкин:

هاذا الكتاب مراد العارفين الى يد يارمحمد بن خالمحمد خوقندی علیها غفر عسیانها و صطر عیوبها. مکان کتابنی کاتبی در و خشوار مقبره اشان هزرت صوفی الله یار در وی است سنه ۱۲۳۳⁵⁸

Таржимаси:

Бу китоб “Мурод ул-орифин” дир. Ёрмуҳаммад бинни Холмуҳаммад Қўқандийнинг (Аллоҳ гуноҳларини кечирсин ва айбларини ошкор этмасин) қўли билан Ваҳшиворда, эшон Сўфий Аллоҳёрнинг мақбарасида 1233 йили кўчирилган.

Демак, котиб ушбу кўлёмани Сўфий Аллоҳёрнинг мақбараларига бориб ёзиб тугатишни қасд қилган экан. Бу эса котибнинг муаллифга нисбатан ихлос ва унинг ижодига нисбатан ҳурматини кўрсатади. Ушбу нусхада Сўфий Аллоҳёрнинг 3 та асари, рубоий ва ғазаллари ҳамда Шабустарийнинг “Гулшани роз” асари ва Мавлоно Жалолиддин Румийнинг байтларидан жамлаб кўчирилгани, котибнинг тасаввуф аҳлига бўлган ҳурмат ва эътиборини кўрсатади. Яъни, котиб шарият ва тариқат илмларидан хабардор бўлган ва шу йўналишларга хос китобларни кўчирган. Котибнинг шариат ва тариқат илмларидан бохабарлигини кўлём таркибида келган тасаввуфий атамаларнинг хатосиз ёзилиши ва улардан баъзилари шарҳини асар ҳошиясида келтирганидан англаш мумкин.

Кўлёманинг 260-а ва 260-б варақларида форсча байтлар ва араб тилида ёзувлар мавжуд. 261-б варақда Сўфий Аллоҳёрнинг “Сабот ул-ожизин” асари 2 сутунда жадвалга олинган ҳолда қуйидаги байт билан бошланган:

Сано он Холиқи ғаброву афлок,

Яратди қатраедин гавҳари пок.⁵⁹

Бу маснавий кўлёманинг 296-а вараққа қадар давом этади ва шу варақда асар колофони мавжуд. Унда “Исмоил бинни Абдуллоҳ Сўфий ғафараллоҳ” деб ёзилган. Бу исмни асар кўчирувчисига нисбат бериб бўлмайди, балким,

⁵⁸ Ўша асар, 259-б варақ.

⁵⁹ Ўша асар, 261-а

Исмоил бинни Абдуллоҳ тайёрлаган нусхадан кўчирилган дейишлик мақсадга мувофиқдир. Чунки “Сабот ул-ожизин” асари кўчирилган ёзув билан кўлёзмадаги қолган матн ёзувида фарқли жиҳатлар кузатилмайди ва бир кишига тегишли ёзув эканлиги маълумдир.

Кейинги саҳифада ўзбек тилида битилган 35 та рубоий кетма-кетликда жойлашган ва бу рубоийлар катта эҳтимол билан Сўфий Аллоҳёрга тегишлидир. Чунки мазкур рубоийларнинг баъзиларида “Аллоҳёр” тахаллуси мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ушбу рубоийлардан намуна:

Холико қоилман ўз нуқсонима,
Кўп жафо қилдим ўзимнинг жонима.
Зоти покингдин иноят бўлмаса,
Ҳеч ишончим йўқ амал қилғонима.⁶⁰

Рубоийлардан сўнг 80 дан ортиқ ўзбек тилидаги ғазаллар келтирилган. Ғазаллар охиридан намуна:

این نامه را ز خون دل خود نوشته‌ایم،
با کاغذ و آب محبت سرشته‌ایم.⁶¹

Таржимаси:

*Бу хатни кўнгил қони билан ёздик,
Қоғоз ва муҳаббат суви билан боғладик.*

310-б варақ бўш. 311-а варақда битта байт, 311-б варақда форсча ёзув мавжуд. 312-а варақ ёзилмаган, 312-б варақда эса 4 та форсча байт битилган.

Кўлёзма мукаммал ҳолатда сақланган, унда тешилган, йиртилган ва ёзувлари ўчиб кетган варақлар мавжуд эмас. Унда Сўфий Аллоҳёрнинг “Маслак ул-муттақин”, “Мурод ул-орифин”, “Сабот ул-ожизин” ҳамда рубоий ва ғазал жанрида битилган ижод намуналари мавжуд. Шунинг учун мазкур нусхадан таянч манба сифатида фойдаланиш мумкин, чунки матни кетма-кетликда берилган ва ҳеч қандай камчилик кузатилмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фонди. №1902 инвентар рақамли кўлёмза.

⁶⁰ Ўша асар, 296-б варақ.

⁶¹ Ўша асар, 304-а варақ.

2. Сўфий Аллоҳёр. Мурод ул-орифин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, №12497 қўлёзма.

3. Сўфий Аллоҳёр. Мурод ул-орифин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, №731 қўлёзма.

4. Зоҳидов Р. “Сабот-ул-ожизин” асари матни, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2015. – 264 б.

5. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотининг шаклланиши ва тизимлаштириши (VIII –XI асрлар) (Матн) / К. Раҳимов. – Тошкент: Академнашр, 2020. – 400 б.